

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИКИШИ

№ 58 (3796).

23
МАРТ
ШАНБА
1968 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

НАВРЎ БАЙРАМИ

ЎЛКАМИЗДА баҳор, оламга нур сочиб, ҳади кўтариб кириб келди наврў. Бепоев, саҳий далаларда баҳор, зумрад араларда баҳор. Деҳқон қалбиди баҳор. Қишлоқ-кўйларини тунқунларини егиб чиққан фасллар асали наврў баҳор бугун она-ер сиймосига саҳоват тўқибди. Бу нуртаб баҳор кунда деҳқоннинг дил руҳи-нолиги, тарадудий бекис. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бу кунни янги кун туғилди — наврў келди, деҳқоннинг кунни туғилди деб аташади. Бу кунни катта умид, ижодий ҳур-рамлиқ билан қарши олишган деҳқончиликнинг янги йили унумдор, хирмонни баракали бўлсин деган илтиҳоти янги йил ҳосилига беҳ боғлашган. Саҳий ер тепасига келиб халқ сайллари ўтказиб қўйил очинган. Бобо деҳ-

қонларимиздан қолган бу халқ аянчаси ҳар йили наврў келиши билан деҳқон қалбини китиклаб келди. У бу кунни қўнғилдайд қарши олади. Шу кеча-кундузда областимизнинг бепоев далаларида наврў аянчаси бош-ланиб кетди. Қиш бўйи қўнғилда экин ишига пухта ҳозирлик қўйган қўнғил қолхоз аъзоси, совхоз ишчиси бу меҳнат шодлиғаси кунини, деҳқон баҳори байрамни ўзгача завқ-шавқ билан қарши олмоқда.

Байрамни биринчи бўлиб Ёш раёнининг меҳнаткашлари бошлаб беришади. Район меҳ-наткашлари эртага Свердлов номи қолхозга йиғилишади. Наврў байрами — баҳор байра-ми, деҳқон байрами шодлиғасини ўтказиша-ди.

ИПАК ҚУРТИ БОҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК АҲЖИДА

БЕКОВОД. «Тошкент ҳажикати» муҳбиримиз. Районнинг қолхоз ва совхозларида ипак қурти боқишга тайёргарлик қилиш ҳозир кучайиб кетди.

Хўжаликларнинг деярли ҳамма-сида ипак қурти боқувчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Ғалати вази-фалар белгилан олди. Хўжалик раҳбарлари ҳам ипак қурти боқишни намунади ўтказиш юзасидан тайёр-гарлик кўрмоқдалар.

1-«Далварзин» совхозини маъмурияти ўз имкониятларини ҳисоблаб чи-қиб, бу йил давлатга 7 тонна пилла топишни юзасидан зарур тадбир-ларни амалга оширмоқда. Совхоз-нинг комсомол ёшлари, коммунист-лари пилла қурти боқувчиларга ишни пухта ташкил этишда янндан ёрдам бермоқдалар.

Совхознинг 6-бўлими ипак қурти боқишда саломдори ўрин тутди. Бўлим ишчилари давлатга уч ярим тонна пилла топишни мажбуриятчи-тини олди.

Туторларда ҳам иш қилини. Иш-чилар дарахтларнинг тагарини юм-шатмоқдалар. Тутларни дорилла-яптилар. Отабой Боймирзаев, Мақ-суд Нурматов, Абдулла Мамажонов каби ипак қурти боқувчилар бу иш-ларда намуна кўрсатишмоқдалар.

Райондаги 2, 3-«Далварзин» сов-хозларида, Ленин номи, «Победа» қолхозларида ҳам ипак қурти бо-қишга тайёргарлик қилини.



ҚУШИМЧА МАОШ

Тўқимачилик комбинати коллективи планлаштириш ва иқ-тисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишлаёт-ганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бу тадбир қисқа муддатда ҳам ўтган йили ўз афзалликларини намойиш қилди.

Янгида фойданинг бир қисми, яъни 450 минг сўм пул, ўн учинчи маош ҳисобидан комбинат чеварлари, инженер-тех-ник ходимлари ва хизматчиларига тўланди. Мастер ёрдамчи-ларидан С. Акбаров 169 сўм, А. Хошимов 179 сўм, Х. Мирдо-видов 181 сўм, тўқувчи М. Илохунова 81 сўм, йиғирувчи М. Турсунжамбаева 80 сўм пул олишди.

Т. ИСЛОМБЕКОВА.

ФИРМА ЧЕВАРЛАРИ

Юлдуз фирмасининг чеварлари бир неча йилдан бери меҳ-натда ажойиб ютуқларини қўлга киритиб келмоқдалар. Улар ўт-ган йили ҳам топишларини муддатидан аввал шараф билан адо этишган эди.

Чеварлар баҳодир беш йилликнинг учинчи йилида ҳам са-марали меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришгилар. Февраль ойининг ўзидеҳқондан ташқари 6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Март ойи топишларини ҳам қўнғил-дайдек адо этиляпти. Бу ютуқларга эришишда 2,3 ва 4-чех-ларнинг ишчилари, айниқса, катта ғайрат кўрсатишмоқда. Қўн-лик нормаларини 130-150 процента етказиб бажарётган Н. Отахўжаева, З. Савушина, М. Ортиқова ўртоқлар каби дон-дор чеварлар эса социалистик мусобақанинг олдинги сафла-рида боришяпти.

М. ГҲЛОМОВА.

«Ўзбексельмаш» заводи коллективи пахтакорлар учун янги кенг қаторли СЧХ-4-А-1 маркали сеякаларни қўллаб ишлаб чи-қармоқда. Суратда: янги сеякаларни қолхоз ва совхозларга жу-натиб олдириш ишчилар қайта қўздан келтирмоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ҲАШАРОТНИ ЙЎҚОТИНГ

Бу йил қишда унчалик қат-тиқ совуқ бўлмади. Қор жуда кам ёғди. Ҳаво кўпича иссиқ бўлаётди. Буларнинг ҳам-маси маънуд даражада ҳаша-ротларнинг омон қилинига са-баб бўлди.

Пахта ва бошқа экинлар эки-ладиган майдонларнинг атро-фида, уватларда қолиб кетган ҳашак, бегона ўтларнинг ости-да ана шу зараркунадалар қишдан омон чўқди. Шира, ўр-ғимчаккана, трипс ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунада-лари ҳам анча кўпайиб бориш-ти. Жойларда ўтқилинган тек-шириш шунинг кўрсаткичи, ай-рим бегона ўтларда ҳозирнинг ўзида 50 та ва ундан ошмиқ ҳа-шарот бор. Бу ҳашаротлар 15 мартада ёққан қордан кейин ҳам ўлмасдан тирик қолди.

Шира қишлоқ хўжалик зараркунадаларнинг энг хавфлиларидан бири. Шира айниқса баҳор пайтида жуда тез кўпайди, аввал бегона ўтга босади, кейин эса гўза ва бош-қа экинларга ўтади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, урғочи шира ҳашарот-ти жуда кўпайовчан бўлиб, бир кеча-кундузда 30 га яқин бола-лайди. Йил давомида эса жуда кўп турларда бўлиниб кетади. Оқибатда қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказиши. Уларнинг ривожланишини се-киллаштириб, ҳосилдорлигини камайтириб, қўяди. Шира 10-15 кун ичида талайгина экин-зорни зарарлаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Ўргимчакканага қарши ку-рашни ҳам ҳозирда бошлаш керак. Агар июнь ойининг охи-рида урғочи ўргимчаккана гў-зада пайдо бўлиб қолса борми, 40 кун давомида 4 гектар ерни зарарлайди. Ҳар бир урғочи ўр-ғимчаккана 200 тага яқин ту-хум олади.

Қиш билан ўлмай қолган қишлоқ хўжалик ҳашаротлари ҳозирги вақтда турли-туман бе-гона ўтларга ёпишиб олган, ти-рик. Шунинг учун ҳам уларни тез бошлаб, қўпайиб кетмасли-қи учун дарҳол қириб ташлаш лозим.

Қолхоз, совхозларнинг раҳ-барлари ва бошқа идора таш-килотларининг бошлиқлари қишлоқ хўжалик зараркунада-ларига қарши курашни муҳим вазифалардан бири қилиб қў-йиб, бу ишни пухта амалга оширишда мутахассисларга доимо ёрдам беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик ҳашаротла-рига қарши кураш ҳозирги вақтда мутахассисларга доимо ёрдам беришлари лозим.

„КОСМОС—208“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1968 йил 21 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунғий йўлдоши «Космос—208» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қил-ган программатга мувофиқ, космик фазонинг тадқиқ қилиниши давом эттириш учун мўжалланган ил-мий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйида-гича бўлган орбитага чиқарилди: Бошланғич айланиш даври — 89,4 минут;

Ер юзасидан энг узоқ масофаси (апогеида) — 305 километр; Ер юзасидан энг яқин масофа-

си (перигейда) — 207 километр; Орбитанинг оғиши — 65 гра-дус.

Йўлдошда илмий аппаратлар-дан ташқари 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган радиопере-датчик; орбита элементларини аниқ ўлчаيدиган радио система; приборлар ва илмий аппаратлар-нинг ишн тўғрисидаги маълумот-ларни ерга юбориб турайдиган ра-диотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппарат-лар нормал ишлаб турибди. Коор-динатлаштириш-ҳисоблаш маркази олинатган маълумотларини ишлаб чиқармоқда.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДА

30 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

«Оққўрғон» совхозида жуда кўп звеноларда бир йил ичида ҳосилдорлиқни гектар бошига 4-5 центнердан оширишга аҳд қилинди.

Ўртоқ Ҳасан Азизбоев бош-лиқ звено аъзоларининг ишн айниқса диққатга сазовор. Улар 40 гектар ернинг ҳар гектарин-да пландаги 25 ўрнига 30 центнердан пахта етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. А. АБДУРАИМОВ.

ТАЙЕРГАРЛИК ЗҲР

Свердлов номи қолхозда ер-ларни экишга тайёргарлик қилини. Барча майдонларнинг ярми-дан кўпроги текислаб қўйилди. Пахтакорлар чигит экинни узо-ғи билан бир ҳафта ичида та-момлаш учун барча тайёргар-лик ишларини пухта олиб бормоқдалар.

Б. ИҲЛДОШЕВ.

ЎҒИТ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Қуйиёшев номи қолхоз деҳ-қонлари ерни ўғитга тўйди-риш учун барча чораларни амалга оширмоқдалар. Қол-хозчилар маҳаллий ўғитни тўп-лаб пешма-пеш далага чиқариб қўймоқдалар. 7 та принцип-ли трактор бу ишга сафарбар этилди. Ҳозир ҳосили нам бўл-ган ерларга 2956 тонна гўнг солинди.

У. ҲАЙДАРОВ.

СУТ БУЛОҒИ

Энгельс номи қолхозда пах-тачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам юксалмоқда. Хўжалик аъзолари жамоат чорвачилигини сердаромад со-ҳалардан бирига айлантириш йўлида астойдил ҳаракат қили-пти. Қолхозчилар давлатга 500 ўрнига 700 центнер сут топишди, ҳозирнинг ўзидеҳқон-квартал планини ошириб ба-жардилар.

М. ИСМОИЛОВА.



КЕНИЯ. Момбаса шаҳридаги «Африка бир-лиги» фонтанининг қўрилиши. Бу фонтан қо-ра қитъа формасини тасвирлайди. Фонтан яқинда Момбаса марказий майдонига очилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ—Бирма ўрталаридаги маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқининг ёрдамида Рангунда техно-логия институтини ва меҳмонхона қурилди. Су-ратда: технология институтининг қўрилиши.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИ-КАСИ. Хайфон шаҳрининг саноат корхонала-ри Америка авиациясининг ваҳиёна ҳужуми-га қарамасдан тўла қувват билан ишлапти. Бу сурат Тан Лонгдан металлургия заводида олиниб, Хайфон металлургия заводидаги топишқарларнинг орғини билан адо этиш-япти.

ВИА—ТАСС. Н. Новиков ва С. Кулик фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ИСРОИЛ АГРЕССОРЛАРИНИНГ ЯНГИ АВАНТЮРАСИ

ЛОНДОН, 21. (ТАСС). Иор-дания ҳарбий вақили маълум қилишча, Исроил қўшинлари бугун эрталаб Иордания ва Исроил ўртасида ўт очиб тўх-ташган линиядан ўтганлар. Исроил қисмлари вертолётлар ҳимоясида икки жой — Дамия ва Малик Хусайн кўприкларни орқали Иордан дарёсидан ўтди-лар. Умуман эълон қилинган Иордания ҳарбий қўмондонли-гининг аборотида, деб хабар беради Рейтер агентлиги, ав-қолиб кетган жангда оғир ку-роллarning ҳамма тури ишга солинган, дейилади. Иордан қў-ролли кучлари Исроилнинг тўрт танки ва бир неча брое-транспорттери яқсон қил-ганлар. Рейтер агентлигининг хабар беришча, Тель-Авивда Исроил ҳарбий вақили исроил қўшинлари ўт очиб тўхта-тиш линиясидан ўтиб, Иордан дарёсининг шарқий қирғоғига

110 КИЛОМЕТР МАСОФАДА-ГИ ФРОНТДА ЖАНГЛАР ★ ИОРДАНИЯ ХУКУМАТИ ТЕЛЬ-АВИВНИНГ ЯНГИ АГ-РЕССИЯСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕЗДАН ХАВФСИЗ-ЛИК КЕНГАШИНИ ЧАҚИ-РИШНИ ТАЛАБ ЭТДИ.

кириб борганликларини тап ол-ган.

УММОН, 21. (ТАСС). Ум-мон радиоси Иордания ҳарбий қўмондонлигининг маълумоти-ни эшиттирди. Маълумотда ай-тиладики, Исроилнинг курулли кучлари Карам аҳоли йишди-гдан пункт районига вертолёт-лардан десант туширган. Хо-яри ана шу жойда кўча жанги олиб боришмоқда.

Иордания қисмлари 110 ки-лометрга яқин масофада ҳимо-ла турибдилар. Исроил томони Иордания қўшинлари позиция-

ларини бомбардирмон қилиш учун авиацияни ишга солимоқ-да. Маълумотда айтилишча, Иордания армиясининг зенит артиллерияси Исроилнинг учта кирувчи самолётини уриб ту-ширган. Исроилнинг 25 танки ва бронетранспортери йўқ қи-линган. Исроил қўшинлари ўл-ганлар ва ярадор бўлганларни ҳисоблаганда 200 кишидан аж-ралган. Жанглар давом этмоқ-да.

УММОН, 21. (ТАСС). Иор-дания подпоси Хусайн араб давлатлари бошлиқларига мак-туб юборди. Бу мактубда Исро-илнинг Иорданияга қарши янги агрессияси муносабати билан зудлик билан юқори доридра кенгаш чақиришга даъват эти-лади.

Иордания ахборот министри Салоҳ Абу Зонд бугун матбуот конференциясида ана шу ҳақда хабар қилди.

БАЛИҚ ОВЛАШ БАЗАЛАРИ



Югославиянинг денгизда балиқ овлайдиган флотини 150 дан кўпроқ ҳар хил кемаларга эга. Адриати-ка денгизининг бутун соҳилида балиқ овлаш базалари ташкил қилинган. Спидидаги «Яран» ба-лиқчилиги — индустриал комби-нат шундай базалардан энг йири-гидир.

Утган йили «Яран» ва «Ад-рия» балиқ овлаш базалари фло-тиясининг балиқчилари неча бошига урта ҳисобда 1600 цент-нердан балиқ овладилар. Бу эса Югославия денгиз балиқчилиги ҳисобига рекорд кўрсаткич-дир.

ЛЕЙБОРИСТЛАР ГРУППАСИНИНГ ТАЛАБИ

ЛОНДОН, 21 март. (ТАСС). Парламент аъзолари бўлган лейбористлардан бир группаси кеча Бош министр Вильсонга мурожаат қилишди. Жану-бий Родезиядаги Смит режи-мига қарши самарали чоралар-ни кучайтиришга чақирдилар.

Лейбористлар партиясининг турли оқимларига мансуб шу группа аъзолари, жумладан, Мозамбик ва Жанубий Африка орқали Жанубий Родезияга нефть келишига барҳам бериш учун қаттироқ чоралар қўри-лишини талаб қилганлар.



ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИ-НИНГ ҒАЛАБАСИ

ХАНОИ, 21 март. (ТАСС). Лаос халқ озодлик армияси-нинг жангчилари, дейилади. «Нян зан» газетасининг Вьет-нам информатсия агентлиги аэсситирган шарҳида, Америка агессорларига қарши курашда янги муваффақиятларга эриш-дилар. Америка агессорлари Лаоснинг озод қилинган район-ларида ҳужум операцияларини олиб бориш учун «махсус» қў-шинлардан» ва қўғирчоқ ар-миядан фойдаланишмоқдалар.

Америка империалистлари энг янги ҳарбий техниканан фойдаланганликлар ва озод қи-линган районларни қаттиқ бом-бардирмон қилганликларига на-рамай, Лаос озодлик армияси-нинг қисмлари душманининг барча ҳужумларини қайтарди-лар. АҚШ армияси ва қўғир-чоқлари «махсус» қўшинлари-нинг қўпгина талич базалари-ни яқсон қилдилар ва Намбака районига ўз назоратларини ўр-натдилар. Намбака 1962 йил-дан буён қўғирчоқ режими ҳукмронлиги остида эди.

Лаос Халқ озодлик армияси-нинг қўмондонлигининг ахбороти бундай дейилади: Лаос ва-тандарлари 1967 йилда олиб борган уруш ҳаракатлари мо-байнида душманининг 16000 дан кўпроқ солдат ва офицер-ни сафдан чиқардилар. Амери-канинг 287 самолётини яқсон қилдилар, кўп миқдорда ҳарбий аслах-аюлмонин, шу жумладан 119 тўп ва 74 минометин ўлжа олдилар.

Лаос Халқ озодлик армияси 1967 йилнинг ноябидан 1968 йилнинг февралигача тўрт ой давом этган қуруқ мавсум да-вомида озод қилинган районлар аҳолисининг мадади билан 405 марта жанг операцияларини ўт-каздилар. Ана шу операциялар жараёнда душманининг 9 ми-нгдан кўпроқ солдат ва офицер-и ўлдирди, ярадор қилди ва асир олиниб ҳамда 66 самолёт уриб туширилди. Ватандарла-р ҳужум операцияларини нати-жасида етти районини озод қи-дилар ва аҳоли ишайдиган 20 пункт устидан ўз назоратини ўрнатдилар.

ТУРКИЯ ҚОРАЛАМОҚДА

АНКАРА. Туркия бош ми-нистри Сулаймон Демирел Исроилнинг Иорданияга қарши янги агрессияси ҳусусида жур-налистларнинг саволларига жа-вобан яна бир марта уқтириб айтдики, Туркия куч қўллан-иш йўли билан ўзга мамлакатла-рини ерларини босиб олишга ва жаҳонни руй берган фахслар олдига қолдириш йўлидаги уришларга қаршилик қилиб келмоқда.

Исроилнинг Иорданияга қар-ши янги таъвоуларни муноса-бат билан Туркия ташқи иш-лар министрлиги ахборот маҳ-намасининг бош директори Эм-тай Ишкон бундай деди: «Исроилнинг бу ҳаракатлари бизни ташвишга солмоқда ва биз бу ҳаракатларни хатарли, деб ҳисоблаймиз».

(ТАСС).



ЧИЛОНЗОР массивининг 25-кварталида яшовчи ўғил ва қизларимиз қурувчилар томонидан катта совға олишди. Қардон Ленинград шаҳридан келган бунёдкорлар болаларимизга янги богча-яси қуриб беришди. Бинода кичкинтойларимизнинг мириқиб ўйнаб-қувишлари учун ҳамма нарса мавжуд. Суратда: богча-ясининг умумий кўриниши.

ПАРТИЯ ГРУППАСИ—КОЛЛЕКТИВ ЮРАГИ

Халқ ҳўжалигида иктимоний ишлаб чиқариш самардорлигини кескин ошириш, меҳнат умумдорлигини кўтариш учун ҳамма ерда кураш авж олдирилган, кишиларимиз ҳар соҳада иқтисодий, меҳнат қилаётган ҳозирги пайтда партия ташкилотларига, коммунистларга бўлган талаб мислсиз ўсди.

Ана шу муносабат билан цех ва группа партия ташкилотларининг роли ҳам ортиб бораётган. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қарерда бошлангич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти яқинлашиб, уларга раҳбарлик намунали йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда халқ ҳўжалиги вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин бўлмаган.

Партия группалари ташкил этилмадан олдин темир йўл станцияларида партия ташкилотининг кўпқиррали фаолиятини асосий мақсадга йўналтиришда коммунист ва партиясиз активларнинг куч-гайратини белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда, уларнинг эҳтиёжларини, истакларини, тақдирини ва мулоҳазаларини ҳар жиҳатдан ҳисобга олишда кўпгина қийинчиликларга дуч келинган.

Эндиликда бундай қийинчиликлар ортда қолди. Бағажларни сақлайдиган хонада, билетларни олдиндан сотаётган кассада партия группалари тўғрисида, улар коллектив олдига турган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига катта ёрдам бермоқдалар.

Ҳар бу ерда фақат ишлаб чиқариш пиланини адо этиш тўғрисида бораётгани йўқ. Партия группаси коммунистларни ҳодимлар ўртасида катта ташкилий-тарбиявий ишлар ҳам олиб бормоқдалар. Улар аввало ўзларининг юрчи-турчишлари, муомалалари, ишга бўлган муносабатлари билан бошқаларга намуна бўлаётганлар.

Бунга осонликча эришмадик. Энг биринчи лавбатда партия группасига раҳбарлик қилиш учун кадр таълашга эътибор берилади. Ахир, қўни партия аъёисининг раҳбари фақат сўзлагани эмас, шахсий ҳаётида, меҳнатда ҳам ҳар жиҳатдан намуна бўлиши керак. У одамларга: «Биродар ишни ма на бундай қилиб бажариш керак. Наҳотки сен шундай қила олма

киришдилар. Кенс коммунистларнинг иш тажрибаси ёшларга ўрнак қилиб кўрсатилади. Улар ишга яқинда келган ёшларга ўз касбларининг «сир»ларини ўргатишга киришдилар. Топшириқни бажаришда баъзи қийинчиликларга дуч келиб қолаётган айрим ёшларни ўз оталикларига олдилар. Т. Юнусов, С. Обидов, Р. Абдуазизов ва бошқалар коммунистлар бу соҳада партия ташкилотига сиқидирилган ёрдам бердилар. Қўн ўтмай натижа ҳам кўриниб қолди. Бағажларни сақлаш хонасида ишчиларнинг меҳнат умумдорлиги сезиларли даражада ўсди.

Партия группаси коллективдаги кишиларнинг меҳнат шайронини яқинлаш масаласига ҳам катта эътибор бера бошладилар.

Яқинда коммунистлар вокзал атрофини кўкаламзорлаштириш

қанда ўйламасан, марҳамат қилиб ўзининг бўшатиб қўй» дейилган бордирилган қулайлик дафтарини ташкил этилди. Ҳозир бу тақдирини барча партия группалари амалда қўламоқдалар.

Бошлангич партия ташкилотлари ва партия группалари раҳбарлари учун ташкил этилган доимий семинар катта фойда келтирмоқда. Семинарда группаларнинг тажрибалари умумлаштирилади, камчиликларини тугатиш тадбирлари ҳақида маслаҳатлашади, ўтган давр ичида партия бюроси ҳар хил темада 11 семинар ўтказди. Семинарларда «Партия группаси ишнинг қандай планлаштириш», «Жамоат комиссияси ишга раҳбарлик», «Илғорлар ҳисобига КПСС сарфини ўстириш», «Еш коммунистларни тарбиялаш» сингари масалалар муҳокама қилинди.

Машгулотларни малакали мухассислар, партия бюросининг аъёлари олиб борадилар. Семинарда иштирок этиш ва унинг ишга умумий яқун ясаш учун райком ҳодимларидан бирон киши тақдиф этилади. Семинар ҳар гал қизғин баҳсга айланади. Партия группасининг раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб тажриба алмашди. Уларнинг қизиқтирилган ва тўқинланган масалалари икбий хил қилиш тўғрисида фикр олишадилар. Семинар икбий активлик ва ишчанлик вазиётида ўтади.

Мен юқорида партия группаларига раҳбарлик қилиш соҳасида олиб борилаётган айрим ишлар ҳақида гапирдим. Ҳали бу соҳада камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Қўни партия аъёисининг жанговарлик қобилиятини ҳар тарафлама ошириш, олдимизда турган муҳим вазифаларни мустақил, муваффақиятли ҳал қилишда уларнинг икбий ташаббуси, таътир кўрсатиб ишлашлари кенг шайрон яратиб бериш учун партиявий ишнинг янги усул ва методларини қидириб топиш керак. Бунинг учун аса тўлланган тажрибаларни мунтазам оммалаштириш, партия группаларининг ишчанлик қобилиятини тинмай оширабориш талаб этилади.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

«Ташавтомаш» заводи бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишламоқда. Бу янгилик коллектив учун катта самара берапти. Ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анча ошди. Масалан, меҳнат умумдорлиги бир йил давомида 12,5 процент кўтарилди. Аввалги йилларда аса ҳеч қачон бўйдай натижага эришилмаган эди. Ишчилар, инженер-техник ҳодимлар ва хизматчиларнинг тайёрланаётган маҳсулот миқдори ва сифатидан моддий маъмулдорлигининг олтингит тўғрисида бек кескин қамайди.

Корхона матмурияти партия ва касса союзи ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат интизомини мустақамлашга қаратилган маълум ишларни амалга оширди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш тартибини бузиш сингари ҳоллар анча ошайди. Масалан, ўтган йилда прогнудлар миқдори 1965 йилдагига қараганда 36,9 процент, нормани бажармовчилар сони аса 20 процент қамайди.

Иқтисодий ислохотни жорий қилиш турли фондлар учун маблаг ажратилиш қўлайлигига олиб келди. Ўтган йилда корхона ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчиларига биринчи марта ўн унчи маош тўланди. Бунинг учун 119 минг сўм ажратилди.

Корхона фонди маблаглари ҳисобига қатор маданий-мансий муассасалар қурилди ва қурилмоқда. Заовд посёлкасида 700 ўғиллик қилиш ва 600 ўғиллик ёш кинотеатр қурилмоқда, таътирларнинг фарзандлари учун Чимёнда 280 ўғиллик пионер лагерги қурилди.

Еш ишчиларнинг билим доирасини кенгайтиришлари учун зарур шайронлар яратиб бериш ҳақида ҳам тинмай ғамхўрлик қилинади ҳам бўлиб қолди. Заовд ҳўзарида икки сменали ишчи-ёшлар мактаби ва техникум ташкил этилди. Бу ўқув юрлари талабаларни сафида 450 дан ортиқ еш машинасозлар билим асосларини эгалламоқдалар. Бундан ташқари, 8000 ўғиллик ёшга стадион ҳам ишлаб турибди. Стадионда футбол, эркин кураш, қўл тўпи, баскетбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш мумкин. Ҳозир ана шу секциялар машгулотларига 1000 га яқин машинасоз иштирок этимоқда. Корхонада ҳаваскорлар киностудияси, кинолекторий ҳам ташкил этилган.

Т. САЛОХИДДИНОВ.



УЗОҚ КРАСНОДАР шаҳридан келган моҳир бунёдкорлар пойтахтимиз қурилишларида фаол қатнашишяпти. Улар Тошкент шаҳрининг «Марказ» микрорайонида қўнақлигида ҳашаматли бинолар бунёд этишди. Шу кунлари қурилиш объектларида ишлар авжга. Қурувчилар кунлик нормаларини ортиги билан адо этишяпти. Суратда: Краснодарлик илгор қурувчиларнинг бир группаси. М. Нурдиннов фотоси.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Баҳорги мавсум бошланди. Болалар қувонч чексиз. Ҳе-боллар, майдонлар, кўчалар ўнгил-қизилар билан тавкун. Улар енгилгина кийиниб олишган. Фарзандларимизни ёш мавсуда кийинтириш учун кийим-кечак, пойфазал фабрикалари алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шу мақсадни қўлаб, яқинда Чилонзор «Савдо маркази»да очилган болалар пойфазали кўргазма-савдоси фикримизнинг исботи бўла олади. Кўргазмага Тошкент, Янгийўл, Чирчик, Қўқон, Самарқанд, Бухоро пойфазал фабрикаларининг маҳсулотлари келтирилган.

Бу ерда болалар оёқ кийимларининг ҳар хил рамер ва ёлдан ортиқ фасонадаги моделлари намоиш қилинмоқда. Айниқса ёз ва куз фасоналари учун мўлжалланган пойфазалар ҳаридорларга манзур бўлмоқда.

Ҳар бир фабрика маҳсулотини учун алоҳида жой ажратилган. Истасангиз, фабрикалар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати, моделлари, уларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва истакларининг тақлифлар дафтарига ёзиб қолдиришингиз мумкин.

Кўргазма болалар оёқ кийимининг савдо қилиниши ҳаридорлар учун катта қўлайлик туғдирилмоқда. Яқинда «Савдо маркази» болалар учун ўзбекистонда чиқарилаётган кийим-кечак маҳсулотларининг кўргазмасини ташкил қилишнинг ҳам мўлжаллаб қўйди. Бу вие-тавда кичкинтойлар учун фақат ёғни, киши, мавсумий тайёр кийимларини сотиб олишнинг мумкин. Шаҳар савдо бошқармаси бундай кўргазмаларни пойтахтимизнинг ийрик-ийрик тайёр кийим сотадиган мағаниларда тез-тез ташкил қилиб турса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ш. ИНОҒОМОВА.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?


Ҳалол ва фидокорона меҳнатдан кейин маданий дам олиб, чарчоқни ёйишга не етсин. Мана шу соҳибкамол баҳор кунлари ўстларини билан саёҳатларга чиқсангиз, тўл оғин боғларда, дала сайрида ором олсангиз, кинотеатрларга, музейларга экскурсия уюштириб яйсангиз, қулсангиз!

Партия ва ҳукуматимиз бунинг учун барча имкониятларни муҳайё қилиб берган. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтииб, икки кунлик дам олиш жорий этилган. Бу ҳамманинг дилдаги, мундоғидаги гап бўлди.

Ҳўш, Янгийўл шаҳри меҳнаткашлари ана шу икки кунлик дам олишдан қандай фойдаланишяпти? Уларга бу соҳада қандай шайронлар яратиб берилган?

Бундан ташқари, шаҳар марказида бирок жойлашган саноат корхоналари территорияларида кичик бўлса ҳам маъний хизмат кўрсатиш тармоғи йўқ.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиш ишлаб чиқариш корхоналари, савдо тармоқлари, маданий-маънавий хизмат кўрсатиш муассасаларининг матмурияти, бошлангич партия ва касса союзи ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклатилди. Улар меҳнаткашларнинг икки кунлик дам олиш вақтларини мазмунли, қизиқarli ўтказишлари, кўнгилли маданий дам олиб, ҳозирги кундаги ишчиларнинг шайронларини яратиб бериш асосида ташкил этишлари лозим. Бу давр талаби, халқ талаби эканлигини унутмаслик керак.



ЎЗБЕКИСТОН ССР Геология министрлигига қарашли марказий лаборатория ҳодимлари ўтган йили бир қатор рационализаторлик тақлифлари билан чиқиди. Бу 20 минг сўмлик фойда келтирди. Суратда: лабораториянинг ҳодими, моҳир рационализатор Николай Леонов. У 20 га яқин рационализаторлик тақлифини тақдиф этган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ РЕЙДИ

В. Пряткин.— улар фақат ишлаб чиқариш соҳасида мусобақалашаётганлари йўқ. Икки кунлик дам олишнинг намунали уюштириш юзасидан ҳам мусобақага бел боғланган.

Пойфазалчилар ўз дам олиш кунларини областимизнинг баҳаво Бўстонлик ва Чимён тоғларида ҳам ўтказишмоқда. Коллектив бўлиб Тошкентга, Самарқандга саёҳатлар уюштиришмоқда.

Афсуски, шаҳардаги саноат корхоналарининг ҳаммасида ҳам ишчи-хизматчиларнинг маданий дам олишлари ана шундай тақлилий ўтказилмоқда, деб айтиб бўлмайди.

Масалан, пахта тозалаш заводи оилалик. Турғи, коллектив ўз зиммасига топирилган вазифани ойма-ой оқиниб адо этиб келмоқда. Лекин, завод матмурияти корхона шайронини кўрашга бундай аса шу ишчи-хизматчиларнинг дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш тўғрисида дурустроқ ўйлаб кўрмапти. Ишчилар дам олиш кунини қарерда қандай ўтказишмоқчи, бу билан ҳеч ким қизиқмайди. Ҳаттоки, завод ишчилари уларнинг буш вақтлари кутубхонада ёки завод қизил

йишадик? Шундай экан, улар шу кунни бичиладиган-тинчладиган бўюмларини қаерга олиб боришга керек?

Биз шу комбинатдаги прокат бўлими икки соат очилиб, олти соат ёпиқ қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўтган шабба кун аса мутлақо ишлагани йўқ. Бўлим ҳодими бўлса қорувул Михаилковнинг дафтарига: «кеч соат 6 да кетдим» деб қўй қўнган.

Ахир бундай қўбўямачилик билан хизмат кўрсатишнинг кимга ҳам керати бор? Натижада прокат бўлимига зарур иш билан келган ўнлаб кишилар ишларини битирмай қайтиб кетилди. Бизнингча, бу комбинат коллективга ўз иш соатларини шаҳар аҳолисида дам олаётган кунларга мослаштириб тақдиф этиш лозим.

Шаҳар бозорининг рўбарисида кўрсатишнинг ашигига «Хизматка» деб ёзиб қўйилган хона бор. У ҳам икки соат очиб бўлса, ёки соат берк туради. Чирчик шаҳар маъний хизмат кўрсатиш комбинатининг филиали ҳисобланган бўлимида Дания Вазелтдинова қабул қилувчи бўлиб ишлайди. Бу ерда қабул қилиб олинган кийим-бошлар шундай уюлиб ётибдики,

ЎЗИ ҲАМ ХУРСАНД, ОИЛАСИ ҲАМ

Кўчада гандираклар юрган Шокирни кўрган баъзи кишилар: «Ичкилик билан тағайин қўрилганми, ички-уч қўз тўғрисида умри бекорга ўта-пти» дейишди.

Чиндан ҳам уларнинг айтганларича бор. Шокир ичкилик бўлишда «рекорд» қўйган. Кейин унинг қўлини қўриққанини айтмайсизми? Ўтганнинг ўтганини, кетганнинг кетганини олади. Оғзига нима келса қайтармайди. Бегуноҳ одамларни куракда турмайдиган сулар билан ҳақоратлайди. Ҳолдан тойганда лойга йиқилиб, кўчаларда тонг оттирган кунлари ҳам бор.

Бутун айб ўнда-ю, яна бошқаларни гуноҳдор қилиб, дағдага кўтарганини айтмайсизми? Ичкилик кўчилишида хотини билан қўриққанини олади. Бўлмаган сабабларни топиб, хотинини қалталайди. Рўзагор би-роз бўлса ҳам фойдаси тегса қўшиқди. Пуқ, қўлига озми кўпми пуқ тушди, шунда қўли-тиклаб қўлади.

Бундай аҳволда хотин, бола-чақа қачонгача чидаб тоқат қилиб тура олади, дейсиз. Ялғизлар, илтимослар жор қилмаганидан кейин хотини, қизин уни ташлаб кетишди. Суқ-қа бош бўлиб қолганидан ке-

линг аҳволини кўрсатди... Соғлиғига путур етиб, қўруқ гавдаси қолган Шокирни Куй-бешев район милицияси участка вакили М. Парниев йўлга солмоқчи бўлди. Уни ўз хона-сига чақириб суҳбатлашди.

— Менда нима ичингиз бор? Нима, арпаганини ҳам ўрдим-ми? — Шокир Сайфуллин по-дадан олдин чанг чиқара бош-лади.

— Йў, мен сизни гуноҳдор киши сифатида бу ерга ча-қирмадим. Дўстона гаплашмоқ-чиман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шу ичкиликни деб обрўни йў-

гап ўқитиш қийин. Шундай бўлса ҳам унга насиҳат қилди, оғохлангирди. Иккинчи марта ичмаслиқга тилхат олди.

Фойдаси бўлмади. Шокир тўғри изга тушмади. «Нима қилсам экан, ўйларди милиция вакили, ўн беш суткага жўнат-саммикан, фойдаси бўлмайди. Ондаси бир умрга бузилиб ке-тиши мумкин, яна бир бошқа-ча йўл билан унинг кўрай».

Парниев Шокирнинг ишхона-сига бориб, бошлиқлари билан гаплашди. Улардан Шокирни назорат остига олишларини,


ниҳатдан «Танселемаш» за-водининг 10-цехида бўлди. У йигучи-слесарь бўлиб ишла-экан. Разм солдик. Қўли-қўли-га тегмайди, тайкаларни бураб, трактор қисмларини йиғайпти. Пешанасидан тер қуйилапти. Уни бир нафас ишдан тўхатиб, суҳбатлашдик. Шокир ўзида йўқ хурсанд, тўқилганиб та-пиради.

— Учасига милицияси ваки-ли ўртоқ Парниевдан жуда-жу-да миннатдорман, — дерди у, — мени хатарли йўлдан тўғри йўлга солиб қўйди. Коллектив сафига қайтарди.

Меҳнатсевар, ширинсухан, оиллага меҳрибон хотини, қиз уйига қайтиб келишди. Тинч-тотув, бахтли ҳаёт қайта бошла-нибди. Хонадонга барака, қўт, фойз кирибди.

Завод раҳбарлари ҳам беҳад хурсандлар. Ҳозир Шокир Сай-фуллин касбдошлари қаторида кунлик топириқни 110 — 120 процентга етказиб бажармоқда. Саломатлиги яхши, вақти чоғ, олдига қўйган олижаноб мақса-ди бор: ҳалол меҳнат қилиш, кишиларнинг ишончини оқлаш, илгорлар сафидан ўрин олиш, оиллага меҳр-муҳаббатли, оқи-батли отахон бўлиб қолиш...

Р. ХУЖАМОВ.



ЯИЛОВДА.
Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

ЎЛЎР ЁЗУВЧИГА БАРИШЛАНАДИ

Чирчиқ электр хи-мия комбинатида ва қийин эрувчи ва иссиқ-ликка бардош берувчи металл комбинетида «Горький — улуғ пролетар ёзувчиси», «Горький — Совет ада-биётининг асосчиси» деган темаларда суҳ-батлар ўтказилди. Бекболовдаги Ленин номида металлургия за-водига ҳам Горькийга бағишланган лекция-лар ўқилди. Олмалиқ шаҳар кутубхонасида А. М. Горький туғил-ган кунининг 100 йил-лигига бағишланган китоб ва расмлардан иборат катта выставка очилди.

Шаҳар ва қишлоқ кинотеатрларида Горь-кий асарлари асосда яратилган «Тубанлик-да», «Она», «Фома Гордеев» фильмлари намоиш қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТ

● ОГИР мебелини уйнинг бир жойидан бошқа жойига кў-чириш олдига кўп жисмоний куч талаб қилади. Лекин, уйда-гилар ёрдамида бу ишни жуда осонгина бажариш мумкин. Мебель оёқлари остига картон қозоғга парафини суртиб қўйсиз (бу ишда қозоғ пакетини ҳам қўллаш мумкин). Сўнг асасе-кин мебелини керакли жойга суриб бораверасиз. Шунда бе-ҳуда куч сарф бўлмайди. Пол ҳам тирналмайди.

● КНИИМ-кечакдан ёқим-ли не келиб турсини десангиз, кир ювиш учун қайнатиб қўй-ган сувга юз-қўл ювадиган со-вун бўлақларини ташлаб қў-йинг.

● ДЕРАЗА ойналарини ях-кари тарафдан юқоридан ичига қараб эмас, балки ташқари та-рафдан, чапдан ўнгга қараб ар-тинг. Шунда ойнада қолган доғлар аниқ кўриниб туради.

● ХОЗИРГИНА тайёрлан-ган қайноқ компотни совутиш керак бўлиб қолди. Шунда на-тароқ идишга совуқ сув солиб, озгина туз қўшиб, халиги ком-потли банкани туширинг. Шун-да компот тез совуяди.

● ТОЗА жуи (шерсть)дан тикилган қўйла ёки қосқончи-бир юппиқ новпадлик (наша-тур) спирти қўшилган қўйилки-сувда ювган афзал. Ювиб бўл-гач, кири яхшилаб чайқаб, 5—10 қўшиқ уксус солинган сувга ташлаб қўйинг. Кейин яна бир неча марта сувда чай-қаб, бураб эмас, балки қошпаб-қа ўраб, бир-икки бор сувини сийқитинг. Арқонга эмас, те-кисроқ жойга, масалан, стол ёки хонтахта устига тескари ағдариб ташлаб қўйинг. Жуи қийин-кечакчи намлигидан унча кўп қизитилмаган дэзюл бил-лан текислайсиз.

● ЮВИЛГАН тоза кир ша-мода қанча кўп турса, шунча яхши бўлади, деб ўйламани. Аксинча, шомода кўп вақт ту-риб қолган қийим-кечак тўқима-си қаттиқлашиб, тозалари бу-зилади. Кири умуман хона те-мпературасида, икки томон-дан ҳаво кириб турадиган жой-да қуритган афзал. Кир қури-дини, дарҳол арқондан олиб қўйиш лозим.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Лектор: Бизлар ёш авлодга... алоҳида эътибор беришимиз керак...



Томошадан сўнг...
Е. Одилов чизган расмлар.

АХЛОҚ ВА ОДОБ МАВЗУИДА

қотдингиз, соғлигингизга путур етди. Ҳаммадан ҳам хотинин-га, қизингизнинг сиздан юз ўти-риниб, ташлаб кетганидан қий-ин айтмайсизми? Мана шулар-нинг ҳаммасини бир мундоқ та-нализга ўйлаб кўринг.

— Гапни узайтирманг, — кескин деди Шокир, — ичмас-ўз пулимга ичман, сизнинг қиссангизга қўл солаётганим йўқ. Агар қўлингиздан келса қамаб юборинг!

Парниев қараса, Шокирга

қандай қилиб бўлмасин, унинг ичкилик ичишига йўл қўймас-лиқларини сўради. Ўзи эса ҳар кун Шокирнинг ишдан чиқи-шини пойлаб турар, уйига ҳам кузатиб борар, йўлда ичкилик-нинг зарари тўғрисида мисол-лар айтарди.

Орадан икки ойча вақт ўтди. Парниев ҳам, ишхона коллекти-ви ҳам Шокирни назорат ости-га олишди. Бора бора кўпчилик унга ўз татбиқини ўтказишди. Яқинда Шокир Сайфуллин



ТОШКЕНТ Давлат дорилфунуни ҳар йили неча минглаб мутахассислар тайёрлайди. Ҳозирги кунда бу улкан илм даргоҳида ўн мингдан ортиқ студент, қарийб 35 милад вакили таълим олмоқда. Суратда: ҳозиргина дарсдан қайтган йигит-қизларни кўриб турибсиз.
В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

● Латин Америкаси мамлакат-ларига қилган сафаридан қайтаб-ган СССР терма командаси фут-болчилари Францияда ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Улар Реим шаҳрида маҳаллий «Стад Ренно» командаси билан учрашиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўп-ларни Аничкин, Смольников ва Сабо (11 метрдан) киритдилар.

● Ўзбекистондан «Б» классида қатнашган футбол командалари СССР кубоғи мусобақаларини бошлаб юбордилар. Групачалар-да бўлган бу ўйинлар қўйилган натижаларни берди: «Целинник» (Янгир) — «Металлург» (Олма-лик) — 3:1; «Факел» (Вухоро) — «Самарқанд» — 1:2; «Спартак» (Андижон) — «Оққўрғон» (Тош-кент области) — 2:0; «Оқ олтин» (Андижон области) — «Пахтакор» (Қўрғонтепа) — 4:1.

Шундай қилиб, группа ғолиб-лари ўзаро курашини давом эттири-дилар. Жумладан, Андижон спарта-кчилари Тошкент обласининг «Свердловчи» командаси билан, «Захмат» (Чорқўй) эса «Оқ ол-тин» командаси билан олимпиада системаси бўйича учрашди.

● Тошкентлик олти полвон СССР шахсий биринчилигининг саралаш мусобақаларида ғолиб чи-қиб, финалга йўллама олди. Бу-лар динамочи Р. Гагагов, Г. Зах-соров, А. Истомин, «Буревестник» жамаиатидан Ю. Эгамбердиев, Е. Колтунов ва А. Недорезов («Ме-хант резервлари» дир.

БОЛАЛАРИНИ ЗОТИЛЖАМДАН САҚЛАНГ

ТАН СОҒЛИК —
ТУМАН БОЙЛИК

Зотилжам ёш болалар ўрта-сида учрайдиган касалликлар-дан бири хисобланади. Бир вақтлар бу касаллик бутун дунё халқларини ташвишга солган. Бу касаллик ҳозирда ҳам болалар ўртасида учрайди-ган касалликлардан биричиси ва муҳими бўлиб турибди.

Куз, қиш ва баҳор фасла-рида зотилжам касаллиги кўп учрайди. Бу касаллик бир-ик-ки ҳафтадан то бир неча ойга, ҳатто йилгача қўзғилиб кетиши мумкин. Бир мартаба оғирган боланда касаллик кайтарилиши ёки яна қайталанishi эҳтимоли бор. Бу, қўшнча касал бола-нини ёшига, қувватига, овқат-ланиш, жисмоний ўсиш, тар-бияш ва касаллангирувчи мик-робларнинг турига боғлиқ, ал-батта

Яқинда бир воқеанинг гуво-ҳи бўлдим.

— Волагининг бетоб бўли-шига нима сабаб бўлди? — деб сўрадим касалхонада Каромат-хон опадан.

— Опаки грини билан ўри-ган эди. Ундан юқиди ёки ўш-шамоллашди, ўзим ҳам бил-май қолдим, — деди она қўз-ларига ёш олиб, — Бундан сўв оқиб, йўталиб юрибди. Ша-нат резервлари» дир.

моллаган бўлса керак, ўтиб ке-тар, деб аҳамият бермадик. Йўтал борган сари кучая бош-лади. Иштахаси бўлибди. Ин-жиқланиб, кўп йиғлай бошлади, интимаси кўтарилиб, нафас оли-ши қийинлашди. Бурун қатак-лари сиқиларди, энтишиб хар-силларди. Бадамини ёғлаб қат-тич чўшмаб, бешника ётқиздим. Болам ҳам, бешонгаламларди. Истимага ёганишни сезиб, дар-ҳол бешиндан бўшатиб олган-ини биламан. Бола ҳўшдан кетганди. «Тез ёрдам» машина-сида келган врач болани кўр-дию, зотилжам билан оғирга-нини билдим.

Кўрпизимни, зотилжам киши-ни жуда дармонсизлангирди ҳолидан кетказди. Хўш врач қақирмаганда боланинг аҳ-воли нима бўларди?

Зотилжам неча юқориде айт-илган фасаларда кўпроқ уч-райди? Чунки куз, қиш ва ба-ҳор фасаларида ҳаво тез ўзга-риб туради. Кунданлик об-ҳаво-нинг ўзгариши 5-10. ҳатто 15 даражагача фарқ қилиши

мумкин. Ҳавонинг бундай ўз-гариб туриши болалар организ-мига тез таъсир этади. Нати-жада бола шамоллайди, Акса уриш, буридан сув оқиб, йў-тал, уйқи қамайиши каби ҳол-лар, шубҳасиз беморнинг қу-ватини қамайтиради. Бундай вақтларда зотилжам учун энг қудай ва яхши шароит вужуд-га келади.

Болаларнинг ҳавога бўлган эҳтиёжлари, катталарга нисба-тан 2,5—3 барабар ортиқдир. Бунинг устига ҳаво кирадиган бурун, томоқ ва ўпка йўллари жуда қисқа, ингичка ва позик бўлади. Бу эса узоқ ва чуқур нафас олишга ижон бермайди. Аксинча, нафас олиш жуда қисқа ва юзакли бўлиб, ҳаво со-винган ҳолда ўпкага ўтади.

Болаларнинг зотилжам бил-дан оғирмасликлари учун улар-ни тўғри тарбиялашга катта аҳамият бериш лозим. Вақтда овқатлангирини, ухлатиш, қийин-лаштириш, қўйилгирини, иссиқ-совуққа мослаштириш, орга-низмни чинқитириш лозим. Ўйимоний тарбия боланинг соғ-лом бўлишини таъминловчи энг асосий омиллардир.

И. ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўра-ган врач.

ҚАФАСДАН ЧИҚИБ КЕТГАН ФИЛ

Таиланддан Тошкентга кел-тирилган Раббон деган 5 яшар филнинг ўйноқлагиси келиб қолди. У қафаснинг бўшроқ жойини топиб кечкурун ташқа-рига чиқиб кетди.

Фил дастлаб ҳайвонлар но-ҳи арслон ёнига келди. У, ар-слонни назар-писанд қилмай ун-га ва оиласига хартумидан қўм селди. Ирттичлар ириллаб қо-лишди. Шунда Раббон арслон-ларнинг жим туришини талаб қилгандек бўлиб, оёғи билан скамейкани ногора қилиб чала бошлади. Скамейка тахталари учиб кетди. Бу эса ёш филга ёқиб қолди. У йўлбарслар, қў-тос, қоплон ва ҳайвонот боғида-ги бошқа ҳайвонлар билан ана шу зайда саломлашиб чиқди. Тахталарнинг қарс-курс тову-шини эшитиб қоровуллар етиб келганда бутун скамейка де-ярли қолмаганди. Қоровуллар

икки тоннали фил билан янма-ҳам қила олардилар. Улар бар-ча ҳайвонларга ўрганиш бўлиб қолган маданий-оммавий ишлар ташкилотчиси Исроил Ҳайда-ровни ёрдамга чақирдишди, хо-лос.

Ҳажма гўдаклар сингари ёш фил ҳам қандин яхши кўради. Бир қақмоқдан ерга ташланган уч килограмм қанд тўполончи филни доимий хонасига келтир-ди. Шундан кейин Раббон ска-мейкаларини ремонт қилган ду-радгорларнинг ҳар бир ҳарақа-тини диққат билан кузатиб турди. Бу сафар скамейкалар мустақамроқ қилиб ишлайди.

К. ТИЧИНА
(ЎзТАГ мухбири).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

10.55 — Кўрсатишлар програм-маси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Шанба, нонушадан сўнг, 11.30 — Муз-команда йигитлари (бадний фильм).

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар програм-маси, 17.00 — Телеянгиллар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — Қизил галстук (тележурнал), 17.50 — Одесса — Алксандрия (хужжат-ли фильм), 18.10 — Студентлик — олтин даврим («Ешлик» студия-си), 19.00 — Телеянгиллар, 19.15 — Концерт, 20.10 — Кўрса-тишлар программаси.

20.15 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

15.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

20.15 — Яшарган чўй (қозоқ ти-лида).

Ўзбек тилида: 21.05 — Юнус Тўраев қўйлади (концерт-очерк), 21.45 — Савғи ва лиманларал (бадний фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/III да Нор-сар, 24/III да Этик қилган мушук.

ХАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/III да Қотил, 24/III да кундуз Аянолла.

РИМ, кечкурун Қония сароб.

СВЕРДЛОВ НОМИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 23/III да 7—10 сифи мақтаб ўқувчилари учун музика-ли лекторий абонементи бўйича БЕШИНЧИ КОНЦЕРТ ЛЕКЦИЯ.

Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади. Абонементлардан таш-қари билетлар концерт зали кас-селсида орталаб соат 10 дан соти-лади.

КИНО

У бир ўзи негиди (1 ва 2-серия) — «Чайка», «Спутник», «ЎЗБЕ-КСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСО-

МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», (1-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун), САНЪАТ САРОНИ (ор-талаб соат 11 ва кундуз 2 да).

Сергей Лазо — «ЎЗБЕКИС-ТОН», НАВОИЙ номи «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Ломбодаги музика — «ДРУЖ-БА» (2-залда), «СПУТНИК» (ку-ндуз ва кечкурун).

Умид қирғоғи — САНЪАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ХАР КҮНИ

Энг ёш ўргатувчи

БОРИС ДЕНИСОВНИНГ

ЎЗИ УРГАТГАН

ШЕРЛАР ГРУППАСИ

билан

ГАСТРОЛЛАРИ

Гиламда — РСФСР да хиз-мат кўрсатган артист Борис Влтин.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун закивалар набул қилина-ди.

Олдиндан билет сотиш кас-саси ишлamoқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ

ЙУЛ ҚУРИЛИШ

1-БОШҚАРМАСИГА

асфальтчилар, текисловчи-машинистлар, бўльдoзeрчилар, сиреперчилар, автогрейдерчи-лар, автoкранчилар, шоферлар, экскаваторчилар, механиклар

(инженер-техниклар),

ишлаб-чиқариш бўлими курув-чи инженерлари, курувчи техниклар, дурадгорлар

КЕРАК

Иш ҳақи шартнома бўйича туланади.

Ишга ва ишдан уйга қай-тишда транспорт бепул.

Мурожат учун адрес: Топ-кент шаҳар, Раҳимов станция-си, кўчалар бўлими (18-авто-буснинг сўғити бешати).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган

Ташкентского обкома КП Ўзбекиста-ни, областного Совета депутатов

грудяцкиса.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосар-лари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — 831936, Санъат, транспорт ва куришлик бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Киш-лок хўжалиги, фан, мақтаб ва олий ўқув юрталари бўлими — 839050, Совет куришлиги, маъшии хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълолар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 да 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 10026. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1826.